КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ЎРОҚ ВА БОЛҒА ИТТИФОҚИДА

Энг асосий, энг муҳим масала... бу— ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи масаласидир...

В. И. ЛЕНИН.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

4-йил чиқиши

12 НОЯБРЬ 1969 й.

ЧОРШАНБА

№ 265 (1028).

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

СЪЕЗД ИШТИРОКЧИЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

БУГУН— САНЪАТ САРОЙИДА РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Бугун

Ўзбекистон пойтахтида республика колхозчиларининг съезди ўз ишини бошлади.

Пойтахт ишчилари билан республика деҳқонлари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ўз тарихи бор.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги яқинлик ҳаётимиздаги энг характерли белгилардан биридир.

...Шу йилнинг 20 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтидан ҳар хил шиорлар ва транспорантлар билан безатилган автомашиналар колоннаси Мирзачўлга қараб йўл олди. Тошкент ўзининг энг яхши вакилларини анъанавий «Ўроқ ва Болға» байрамига — қўриқ ерларга юборди. Бу байрам пойтахт меҳнаткашлари билан Сирдарё область пахтакорларининг дўстлигига бағишланган эди.

Ана шундай яхши анъанага бундан 45 йил муқаддам асос солинган эди. Тошкент трамвайчиларининг партия ячейкаси колхозлардан бирига оталиқ қилишга аҳд қилган эди.

Ҳозирги кунда Мирзачўлдаги 90 та хўжаликнинг ҳаммаси Тошкентда ўз оталиқ ташкилотига эга.

«Ўроқ ва Болға» байрами тантанали равишда ўтиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги улуғ ва бузилмас дўстликнинг ёркин намойишига айланди.

Тошкент меҳнаткашлари колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатиш зарбдор ойлиги эълон қилиб, шу кунларда пахта далаларида ишламоқдалар. Шу кунларда минг-минглаб тошкентликлар «оқ олтин» учун курашда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришаётир.

4 миллион 100 минг тонналик улкан пахта хирмони кўтариш учун бошланган курашнинг ҳал қилувчи дамларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми ва Министрлар Совети барча пахтакорларга, республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни юбилей йили пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда актив қатнашишга, пахта майдонларида иш суръатини янада оширишга даъват этдилар.

«Ташсельмаш» заводининг бир группа ишчилари эса коллектив номидан Тошкентдаги саноат корхоналарининг, республиканинг барча ишчиларига Очиқ хат билан мурожаат қилдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг чақиригини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ишчи коллективлар эса тошкентлик машинасозларнинг ташаббусини маъқулладилар.

Ўзбекистонда биргина деҳқон ўзини пахтакор деб атамайди. Балки, бизнинг серқуёш ўлкамизда ҳамма ўзини пахтакор деб билади. Бу ерда меҳнат қилаётган ва яшаётган ишчи ва инженер, ўқитувчи ва артист, олим ва хизматчи, хуллас ҳамма ўзини пахтакор деб ҳисоблайди.

Деҳқонлар учун қийин бўлган айни кунларда тошкентликлар қишлоқ аҳлига ёрдамга келдилар. Ўзларининг ватанпарварлик традицияларига содиқ бўлган кўпгина ишчилар, инженерлар, хизматчилар, студентлар, деҳқонларга мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда қўлларидан келган ёрдамни бермоқдалар.

Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун курашга тошкентликлар ўзлари йиғиб олган ўн минглаб тонна пахта билан ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкентликлар ўзлари тайёрлаган техникалари билан ҳам деҳқонларнинг оғирини енгил қилишаётир. «Ташсельмаш» заводида тайёрланган 28 мингдан зиёд пахта териш комбайнлари далаларда жавлон уряпти. Механизаторлар машиналар билан 1 миллион 800 минг тонна «оқ олтин»ни йиғиб олишга аҳд-паймон қилганлар.


Бу ишда шаҳарликлар ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Тошкентлик кўпгина шофёрлар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари «зангори кема»лар рулига ўтириб, пахта далаларида вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилмоқдалар.

Шу йилнинг бошида «Ташсельмаш», «Ташавтомаш» ва трактор-йиғув заводларининг коллективлари шаҳардаги машинасозларга мурожаат қилиб, қишлоққа кўплаб техника воситалари етказиб беришга даъват этдилар. Пойтахт меҳнаткашлари бу ажойиб ташаббусга жон-дилдан қўшилдилар.


Ўн йилнинг биргина ўн ойи ичида деҳқонлар Тошкент ишчиларидан 50 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 17.486 та «Т-28Х4» маркали трактор, икки қаторлаб ҳисоблаганда 7 минг 980 та пахта териш машинаси, 31.093 та трактор прицепи 5.743 та чигит экадиган сеялка, 1.886 та қўрак чувиш машинаси ва бошқа техникани олдилар.

Бугун Тошкентда колхозчиларнинг республика съезди ўз ишини бошлади. Колхозчилар қўлга киритилган ютуқларни ҳисоблаб, келгуси ишларнинг режасини тузиш билан бир қаторда шаҳарнинг кўрсатадиган ёрдами, янги техникага ҳам катта умид боғлаётир.

Республика колхозчиларининг съезди қатнашчиларига аланга-ли салом! Ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларнинг бузилмас бирлиги мустаҳкамланаверсин!



СУРАТДА: юқорида — «Ташсельмаш» заводининг тайёр маҳсулотлар майдончасида. Янги пахта териш комбайнлари қишлоққа жўнатишга тайёрланмоқда. Пастда — «оқ олтин» оқимми. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



ЧИН ҚУТЛОВ

Жониқул ЮСУПОВ,

Самарқанд область Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ўзбекистон колхозчиларининг III съездини қатнашчиларига хўжалигимиз аъзолари номидан қизғин салом йўллайман...

Бу съезд ўз моҳияти билан катта аҳамиятга эга. Унинг қатнашчилари ютуқларни кўз-кўз этиш билан бирга келгусидаги иш режаларини белгилаб оладилар.

Бизнинг хўжалик пахтакорлари республиканинг улкан «оқ олтин»я хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Колхозимиз аъзолари 7 минг 200 тонна пахта топшириш учун сўз берганлар. Биз ўз ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтани териб давлатга топшириш қизғин давом этмоқда. Мардикамиз яқин қолди.

МАШИНАСОЗЛАРГА РАҲМАТ

Турсунбой ЛАТИПОВ,

Сирдарё область Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ўзбекистон колхозчиларининг съезди ажойиб даврда ўтяпти. У улуғ В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига муносиб меҳнат совғалар тайёрланаётган бир вақтга тўғри келди.

Съезд колхозчилар учун кўп янгиликлар беради. Ҳамкасблар тажрибаларни ўртоқлашадилар. Бундан ташқари пахта майдонида жавлон ураётган янги-янги қаҳрамонлар билан танишамиз.

Бизнинг хўжаликда «оқ олтин» дурдоналарини териб давлатга топшириш қизғин давом этмоқда. Пахта тайёрлашда асосий куч механизациядир. Унинг шарофатининг қудратини ўйлаганимизда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозларининг меҳнатига қойил қоламиз. Шунинг учун ҳам машинасозларга чин қалбдан раҳмат деймиз.

КОЛХОЗЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

ДОҲИЙ В. И. ЛЕНИН СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАЁҚ МАМЛАКАТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН 100 МИНГ ТРАКТОР БЎЛИШИНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ЭДИ. БУ ОРЗУ ШАРАФ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛДИ. БИРГИНА СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ ДАЛАЛАРИДА 130 МИНГ ТРАКТОР ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Бугун

республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон колхозчиларининг III съездига бағишлаб ташкил қилинган кўргазмада ана шу рақамни ўқиш мумкин. Бундан ташқари 27135 та пахта териш машинаси, 4470 та галла комбайнлари, 42215 та культиваторлар колхозчиларга мададкор бўлмоқда.

Кейинги йилларда колхозларнинг қуввати ошди. Етук мутахассислар билан таъминландик. Ўтган йили республикада 1043 колхоз, 325 совхоз бўлиб, уларда 20 минг мутахассис, 2 минг агроном ишлади.

Ўзбекистон колхозларида етиштирилаётган пахта, сабзавот экинлари, чорвачилик ҳақида ёркин тасаввур берувчи экспонатлар қўйилган. Ранги товланувчи қорз кўл теридан тортиб, пахтанинг янги ҳосилдор навларигача, шарбат бойлаган узумлардан тортиб, буғдойгача бўлган маҳсулотларнинг намуналари киши диққатини тортади.

Республика колхозлари посёлкасининг қиёфаси йил сайин гўзаллашиб боряпти. Замонавий бинолар, клублар, стадионлар, аҳоли пунктлари қад кўтармоқда. Бухоро областининг Ромитан районидаги Навоий номли колхоз қишлоғи социалистик шаҳарчидан қолишмайди. Колхоз марказининг бош планн учун «Узгипрозем» институти лойиҳа тайёрлаб берди. Лойиҳа макетида кўзга ташланишича марказ жуда ҳам чиройли, улкан ва барча қулайликларга эга бўлади.

Кўргазмадаги бошқа экспонатлар ҳам колхозларнинг тараққиёти ҳақида ҳикоя қилади.

• ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ОТАЛИҒИДА

Сирдарё область пахтакорлари пойафзал фабрикаларн коллективларини ҳурмат билан тилга олишади. Шаҳарликлар ўз оталиқларидаги хўжаликларга техника ремонтида яқиндан ёрдам бердилар. Шунинг учун ҳам деҳқонлар улардан мамнун.

Бундан ташқари заршуносларни қишки оёқ кийимлари билан таъминлашяпти. Шу кунгача чўлқуварлар учун 850 минг жуфт турли хилдаги пойафзаллар жўнатилди. Шунингдек, улар республиканинг бошқа областлари пахтакорлари учун пойафзаллар тайёрлаб бермоқдалар.

БЎЗ ЕРЛАР ИСТИҚБОЛИ

Серқуёш диёримизнинг Туркманистон билан чегара районларини Амударё сув билан таъминлайди. Орол денгизига қадар ҳар иккала қирғоқ боғ-роғга айланиб бормоқда. Бироқ, бу ерларда ҳали барча бўз ерлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилган эмас. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи, кенгаш ва Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти коллективлари Туркманистон олимлари билан ҳамкорликда бўз ерларни ўзлаштиришда, Амударёнинг роли тўғрисида янги программа ишлаб чиқдилар.

Шу темага бағишлаб Нукус шаҳрида илмий ишлаб чиқариш конференциясини ўтказиш мўлжалланмоқда. Конференцияда «Пахтачилик ва шоличиликни комплекс ривожлантириш тўғрисида», «Пахта ҳосилдорлигини ошириш борасидаги изланишлар», «Ернинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшилаш» каби қатор лекциялар тингланади.

МУНОСИБ СОВҒА

Бугун

Санъат саройида колхозчиларнинг республика съезди давом этаётган бир пайтда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг бош конвейеридан 70 та «Ўзбекистон» пахта териш машинаси йиғиб бўлинди. Бу завод коллективининг съездга муносиб совғасидир.

Янги «зангори кема»лар эрта-индин ўз эгаларига юборилади.

БЕШИНЧИ МИЛЛИОН УЧУН

✦ Республикамиз 1917 йили мамлакатга 250 минг тонна пахта етказиб берган эди.

✦ Граждалар уруши ва чет эл интервенцияси қишлоқ хўжалигига, шунингдек пахтачиликни ривожлантиришга ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Пахтачилик ривожлана бошлаган вақт — 1923 йили Ўзбекистон деҳқонлари атиги 111 минг тонна «оқ олтин» етиштира олдилар, холос.

✦ Беш йил ўтгач эса етиштирилган пахта ҳосили 544 минг тоннага етди.

✦ 1932 йил. Мамлакатимиз чет эллардан пахта сотиб олмайдиган бўлди. Бу халқ хўжалиги топшириқларини бажаришга Ўзбекистон муносиб улуш қўшди. Республикамиз 804 минг тонна ҳосил етиштирди.

✦ 1935 йилни республикамиз меҳнаткашлари мамнуният билан эслашади. Чунки шу йили тарихда биринчи марта 1 миллион тонна Ўзбекистон пахтаси етиштирилди.

✦ 1950 йили республикамиз пахтакорлари Она-Ватанга 2 миллион тонна Ўзбекистон пахтаси етиштирилганлиги ҳақида тантанали рапорт бердилар. Орадан саккиз йил ўтгач, янги марра эгалланди. Республикамизда 3 миллион тонна «оқ олтин» хирмони бунёд этилди.

✦ Мана уч йилдирки Ўзбекистон ССР 4 миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» етиштираётир. Энди навбат — бешинчи миллион тоннага!

Республикамизнинг миллион тонналаб пахта етиштираётганлиги Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация қурилишида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, пахтачиликни комплекс механизациялаш ва химиялаштиришнинг ёркин самарасидир. Қўлга киритилаётган зафарлар қишлоқ хўжалик фани ва техникасининг гуллаб-яшнаганлиги, миллионлаб кишиларнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

«Оқ олтин» тоғларини бунёд этишда қишлоқ меҳнаткашларига Тошкент шаҳри ишчилар коллективининг кўрсатаётган ёрдами беиҳтиёр каттадир.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«ЧЕТ ЭЛ ШАРҚИ СОВЕТ РАССОМЛАРИ ИЖОДИДА», деб номланган янги экспозиция кўргазмаси Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ўрта мактабида ташкил қилинди. Бу кўргазма тақилотчиларга республика санъат музейи ходимларидир.

Яқинда санъат музейи ходимларидан бир группаси Сирдарё область Пахтаорол районидаги Свердлов номли совхозга жўнаб кетишди. Улар совхоз далаларида «оқ олтин» териш билан бирга ликда, ишчилар билан санъат ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказишади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ МХР ДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

УЛАН-БАТОР, 11 ноябрь, (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси, шунингдек Ўзбекистон маданияти, адабиёт ва санъати арбобларининг катта бир группаси бугун эрталаб махсус «ИЛ-18» самолётида Ўзбекистонга жўнаб кетди.

Улан-Батор аэропорти СССР, Ўзбекистон ССР ва Монголия Халқ Республикаси давлат байроқлари билан безатилган эди. Аэродром биноси пештоқида В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Батор портретлари қўйилган. Монголияда Ўзбекистон ССР кунлари иштирокчиларини кузатиб қолиш учун Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Д. Майдар, МХРП Марказий Комитети секретари, Монголия — Совет дўстлиги жамиятлари марказий кенгаши президиумининг раиси Б. Лхамсурэн ва партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Монголия пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп намояндалари аэропортга келдилар.

Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ц. Пунцагноров нутқ сўзлади. Ўртоқ М. М. Мусахонов эса жавоб нутқи сўзлади.

Улан-Батор пионерлари меҳмонларга гулдасталар тақдим қилдилар.

* * *

Монголия Халқ Республикасида Ўзбекистон кунларининг иштирокчилари 11 ноябрда Тошкентга келдилар.

МАШИНАСОЗЛАР — ДЕҲҚОНЛАРГА!

ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

БУГУН биз Тошкент трактор йиғув заводининг катта коллектив номидан колхозчиларнинг республика съездн қатнашчиларини — пахта етиштириш усталари, танқили галлакорлар, сабзавоткорлар ва сохибкорларни, чорвадорларни қизғин табриклаймиз!

Республиканинг турли бурчакларидан келган дала меҳнаткашлари ўтган йилларга якун ясаш, янги марраларни белгилаш, қишлоқ хўжалик артелининг Намунали Уставини муҳокама қилиш учун йиғилдилар. Далаларда мўл-кўл сабзавот, галла ҳосили етиштирилди. 4 миллион 100 минг тонна ўзбек «оқ олтини» учун кураш давом этяпти. Бу иш муваффақият билан ҳал қилинади. Бунда бизнинг Урок ва Болга иттифоқимиз қўл келади.

Қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг манфаатлари бир. Қишлоқ ҳаётининг ҳеч бир томони йўқки, унда саноат билан алоқа созилмаган бўлсин.

Пахтани машина билан териб олиш, ишни юксак даражада механизациялаш ҳамма муваффақиятларининг гаровидир. Бу ерда ҳам биринчи даражали ролни бизнинг корхонамиз маҳсулоти — трактор ўйнайди. Трактор деҳқонининг чинакам ёрдамчиси бўлиб қолди. 1967 юбилей йилида корхонамиз конвейеридан пахтачиликка мослаштирилган «Т-28Х3» тракторининг мингинчиси туширилди. Ўтган йилнинг июлида трактор йиғув заводи дарсозасидан янги 50 от кучига эга бўлган тўрт қаторли пахта териш комбайнини ўз елкасида олиб юрадиган тракторнинг биринчи партияси чиқарилди.

«Т-28Х4» универсал машинадир. Унга тўрт қаторлаб пахта терадиган комбайндан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ҳам ўрнатиш мумкин. Жумладан, тракторнинг қувватн оширилганлиги ғўзаларни чуқурроқ культивация қилиш имконини берди. Бу юқори ҳосил олишнинг муҳим гаровидир.

Шу йилнинг баҳорида трактор йиғув заводи коллективи шаҳардаги яна икки йирик корхона —«Ташсельмаш» ва «Ташавтомаш» заводлари билан биргаликда пойтахтдаги ҳамма машинасозлик заводларига қишлоққа кўплаб машиналар бериш ҳақида мурожаат қилди. Шу муносабат билан оширилган мажбурият қабул қилдик.

Ғайрат билан қилинган меҳнат, завод ишчилари ва инженер-техник ходимларининг юксак маҳорати туфайли завод ўтган ўн ойда 17486 та трактор ишлаб чиқарди. Миллион сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Корхона коллективи хўжаликларга техникани ремонт қилишда ёрдам беряпти, техника консультацияларн ўтказяпти.

Завод ишчилари билан пахтакорлар ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бу эса ўз навбатида пахтачиликни ва умуман деҳқончиликни такомиллаштиришда самарали таъсир кўрсатяпти. Сиз деҳқонлар бундан буён ҳам биз машинасозларга суянаверишларингиз мумкин.

Тошкент трактор йиғув заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари колхозчиларнинг республика съездини табриклаб, унинг делегатларига ишда муваффақиятлар тилайдилар. Машинасозлар деҳқонларнинг энг содиқ дўстлари сифатида, уларнинг келгусидаги ўй ва режаларини амалга оширишда яқиндан ёрдам берадилар.

Совет давлатининг дастлабки даврида — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг VIII съездида В. И. Ленин мана бундай деган эди: «Агар биз эртага 100 минг трактор тайёрлаб бера олганимизда эди, ҳамма ерда ҳам бу тракторларнинг ҳаммасини бензин, машинистлар билан таъминлай олганимизда эди (сизга яхши аёнки, бугун ҳозирча ҳаёл) у ҳолда ўрта ҳол «Мен коммуна тарафдориман» яни «Коммунизм тарафдориман» деган бўлардн».

Мамлакатимиз яқинда ўзининг 52 йиллигини нишонлади. Унинг бу давр ичида қишлоқ хўжалиги ва индустриал қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тракторлар ишлаб чиқаришга келганда эса фақат бизнинг корхонамизнинг ўзи халқ хўжалигига пахтачиликка мослаштирилган 150 минг трактор етказиб берди.

Колхозчиларнинг республика анжумани қатнашчилари колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги артели аъзоларининг меҳнат активлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат — қишлоқ хўжалик артелининг янги Устави лойиҳасини муҳокама қилишлари керак. Ўзбек деҳқонлари Устав лойиҳасини маъқуллаб, колхозчиларнинг III Бутуниттифоқ съездини муносиб кутиб олиш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини янги меҳнат ғалабалари билан нишонлаш учун ҳамма куч ва имкониятларини сарф қиладилар деб ишонамиз.

В. АЗОВ, трактор йиғув заводи директори вазифасини бажарувчи.

Л. АРКО партком секретари.

В. САУШКИН завод касаба союз комитетининг раиси.

А. ЗАЙНУДДИНОВ, комсомол комитетининг секретари.

В. САМАРИН, асбобсозлик цехи слесари.

Х. АБДУЛЛАЕВ, механика цехи мастери.



Мирзачўл бағри ўзлаштирилмоқда. В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

• *ИШЧИ МИНБАРИ*

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР

Шу йилнинг баҳори ва ёзи пахтакорларимиз учун катта қийинчиликлар келтирди. Тўхтовсиз ёмғир ёғиши, сел ва бўронлар туфайли кўпгина пахта майдонларига қайтадан чигит қадалди. Лекин деҳқонларимиз табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар. Улар пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, юбилей йили ҳосилини йиғиб олишда актив қатнашиш, пахта майдонларида иш сурътини янада жадаллаштиришга даъват этдилар.

Пахтакорларнинг энг яқин дўстлари бўлган биз, «Ташсельмаш» заводининг ишчилари юбилей йилида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилиб, пахтакорларнинг оғирини енгил қилишга интилмоқдамиз. Корхонамизда тайёрланган «зангори кема»лар беғубор пахта майдонларида сузиб юрибди.

Биз юбилей йилида 10.600 та (икки қаторлаб ҳисоблаганда) пахта териш комбайнини ишлаб чиқаришимиз керак.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан бизнинг олдимизга қўйилган бу вазифалар жуда масъулиятли. Корхонамизнинг ҳар бир ишчиси ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, самарали меҳнат қилмоқда. Буни ўтган ўн ойлик иш якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Шу давр ичида қишлоқ хўжалигимиз «Ташсельмаш»чилардан икки қаторлаб ҳисоблаганда 7.980 та пахта териш комбайнларини қабул қилиб олди. Маҳсулотни реализация қилиш плани 101,6 процент адо этилди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча совет кишилари қатори республикамиз пахтакорлари ҳам ана шу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар. «Она-Ватанга 4 миллион 100 минг тонна пахта бераман» — пахтакорларнинг юбилей йилидаги аҳду-паймонлари ана шундай.

Пахта бизнинг шонш-шавкатимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиздир. Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда ишчи, олим, студент ўзини пахтакор деб билиб, қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Шу йилнинг 25 октябрида «Ташсельмаш» заводининг бир гуруҳ ишчилари матбуотда очиқ хат билан чиқиб, партия ва ҳукуматнинг чақириғига жавобан пахта майдонларида ва ишчи жойларида жасорат кўрсатишга аҳд қилганликларини айтиб, бошқа ишчи коллективларига мурожаат қилдилар. Машинасозларимиз аҳдларига яраша меҳнат қилиб, ишда катта-катта зафар қучаётирлар.

А. АШУРОВ, «Ташсельмаш» заводи механика йиғув цехи йиғувчи-слесарлар бригадасининг бошлиғи.



Экскаватор ремонт заводи. Капитал ремонтдан чиққан экскаваторлар жўнатишга тайёр. Н. Шоинағомов фотоси.

ҚИШЛОҚЛАР ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

ЭЛЕКТРЛАШТИРИШНИ тараққий эттириш — халқ хўжалиги экономикасини юксалтиришнинг омилларидан биридир. Электр қувватисиз колхоз ва совхозларнинг тараққиёти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Партия ва ҳукуматимиз Ленин кўрсатмаларини амалга ошира бориб, қишлоқларни электрлаштириш ишини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилянти. Бу ғамхўрликни Ўзбекистон пойтахти области мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Тошкент областидаги электрлаштириш ишлари билан Тошкент электр тармоқлари корхонаси шуғулланади. Кейинги уч йил ичида бу корхона диққатга сазовор кўпгина ишларни амалга оширди. Областдаги ҳамма районларнинг марказлари, колхоз ва совхозларнинг посёлкалари электрлаштирилди.

1965 йили қишлоқда аҳоли жон бошига 159 киловатт-соат электр энергияси тўғри келган бўлса, 1968 йили бу рақам 218 киловатт-соатга етди. Бу йили областнинг колхоз ва совхозлари ўтган йилдагига қараганда 15 миллион киловатт-соат кўп энергия олядилар.

Қишлоқларни электрлаштиришда Тошкентдаги электротехника, «Ташэлектромаш», «Подъемник» ва бошқа заводлар колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

В. ОРИПОВ.

• *Техника тараққиёти йўлида*

БОШ КОНВЕЙЕР ҚУРИЛИШИДА

ТРАКТОРСОЗЛИК заводи. Анвархўжа Сандумаров бошлиқ бригада бу ерда қурилаётган бош конвейерни синовга топшириш мажбуриятини олган. Завод В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача пахтачиликка мўлжалланган янги «Тошкент» тракторларни ишлаб чиқара бошлайди.

Ғайрат билан меҳнат қилаётган Владимир Ильчин, Шукур Орифов, Василий Бризгалов, Мемед Асанов ва уларнинг дўстларининг мақсади ана шунга қаратилган.

Корхонанинг улкан механика-йиғув корпусида бош конвейерни бирданига сезиб олиш қийин. Конвейер йўли темирбетон траншеяларга жойлаштирилган. Бу траншеяларнинг узунлиги бир неча юз метр келади. Кучли электр моторлари билан ишлайдиган металл ҳалқалар Ўрта Осиёнинг биринчи тракторини ишлаб чиқарадиган кун олис эмас. Бу конвейер ҳар ўн минутда битадан трактор ишлаб чиқаради.

Заводни реконструкция қилиш лойиҳасининг бош инженери А. Н. Брохнинг фикр-мақсади бош конвейерни қандай бўлмасин тез фурсатда ишга туширишга қаратилган.

Лойиҳачилар ўзларининг сўнгги ишлари ҳақида қуйидагиларни гапириб бердилар.

— Заводни реконструкция қилиш лойиҳаси институтимизда жуда қисқа муддатда тайёрланди, дейди Александр Наумович.— Шундай пайтлар ҳам бўлдики, лойиҳалар тайёрлаш билан бир вақтда чизмакашлик ишлари ҳам олиб борилди. Лойиҳа ишларида тракторсозлик саноатида, жумладан Харьков ва Владимир заводларида эришилган ютуқлардан фойдаланилди. Лойиҳанинг технологик қисми Харьковдаги «Гипротракторосельмаш» институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

Бош трактор конвейерида барча йиғув операциялари мужассамлаштирилган. Узеллар-ни етказиб бериш конвейерлар ва транспортерлар ёрдамида тўла механизациялаштирилган. Лойиҳалаштирилган галваника бўлимида тропик зоналарда ишлатиладиган тракторлар учун деталлар тайёрланади.

Биз дастлаб 1600 тоннали прессни монтаж қилдик. Валентин Стерликов, Николай Беляев бошлиқ слесарь-монтажчилар бригадалари кучли кўтарма кран ёрдамида кўп тоннали металл бўлакларини пойдеворга ўрнатдилар.

— Қийин шароитда ишлашга тўғри келяпти,— дейди 93-трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» монтаж бошқармасининг старший прораби Н. В. Веденеев.— Кўриб турибсизки, ҳали пол ётқизилгани йўқ. Биз эса ҳар бири бир неча тонна келадиган деталларни миллиметрнинг юздан бир бўлагигача тўғри келадиган аниқликда монтаж қилишимиз керак. Вақт зиқ. Йил охиригача 2500 та 4 минг тоннали прессларни монтаж қилишимиз керак. Бундай прессларни Воронеждаги оғир машинасозлик заводидан етказиб келтирилди. Ҳозир ишлар бизга ҳараб қолган. Топшириқни муддатида бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

12 йил муқаддам Тошкент чеканасида трактор прицепларн тайёрлайдиган завод вужудга келган эди. «Ташавтомаш» тамгаси босилган бундай прицепларни бугунги кунда ҳар бир хўжалигида кўриш мумкин. Эндиликда ана шу корхонада дастлабки тракторларни тайёрлаб, пахтакорларга туҳфа этиш учун ишлар жадаллашган. Пойтахтлик машинасозлар ўз марралари сари илдам одимлаётирлар.

В. ЧЕРНИШЕВ.

• ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ

НАВБАТ ОЛТИ ҚАТОРЛИККА!

ЎТГАН йили кузда Сирдарё областининг «Мавлик» совхозида «Пахтакор-6» деб номланган олти қаторлаб пахта терадиган комбайн синовдан ўтди. Ана шу машинани бошқарган механик К. Нуриев бир кунда хирмонга машина бункеридан 40 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкди.

Бу йил тажрибакор механизаторга «ХВ-5,4» маркали янги олти қаторли пахта териш машинасини тақдим этдилар. К. Нуриев ана шу машина билан мавсумда камида 300 тонна пахта теришга сўз берди. У машинага қуйидагича баҳо берди: «Бу юқори иш унумли машинанинг келажаги порлоқ. Унда ҳар куни 30 тоннага етказиб пахта териш мумкин».

Мухбиримиз пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Е. Радкевичга мурожаат қилиб, олти қаторлаб пахта теручи «зангори кема»ларнинг бундан-буёнги истиқболи ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Олти қаторли машиналар икки ва тўрт қаторли пахта териш машиналарига нисбатан бир мунча унумли, албатта. Бир кунда рекорд миқдорда терилган пахтанинг салмоғи ана шундан далолат бериб турибди. Бизнинг олдимизга қўйган асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат.

Лекин, шунга қарамай, бутунлай ютуққа эришилди, деб айтиш учун ҳали вақт эрта. Чунки, бу машина фақат дастлабки намуна бўлиб, ҳали кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилгани йўқ. Ҳозир бир қанча схема, агрегатлар ва узелларни такомиллаштириш учун изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Биз 1952 йилда икки қаторлаб пахта терадиган машиналар устида иш олиб борган эдик. Бу машиналарнинг дастлабки намуналари кучли тракторлар бўлмаганлиги сабабли ўзиюрар қилиб ишланди ва синовдан ўтказилди. Ҳозир пахтачиликка мослаштирилган тракторлар борки, уларга икки ва тўрт қаторли машиналарни ўрнатиш мумкин.

Ҳозир Ўрта Осиё ва Туркманистон машина синаш станцияларида «ТН-3,6» маркали янги пахта териш машинаси синовдан ўтмоқда. Бу машиналар кенг қатор ораларида пахта теришга мўлжалланган. Яқин келажакда кўплаб ишлаб чиқариладиган бу комплексларнинг ишга туширилиши билан пахтачилик ишларини механизациялаш даражаси ва меҳнат унумдорлиги ҳам ортади. Бундай агрегатлар такомиллаштирилади ва конструкцияси яхшиланади. Бу эса олти қаторли пахта териш машиналарининг схемаларини яратишга ўтиш босқичи ҳисобланади.

Қисқа қилиб айтганда, тўрт қаторлаб пахта териш машиналари устидаги ишларни ниҳоясига етказмай туриб, олти қаторли машиналар ишлаб чиқаришни тавсия этиш мақсадга мувофиқ келмайди.

Менинг фикримча, олти қаторлаб пахта терадиган «зангори кема»лар тахминан беш йилдан сўнг кўплаб ишлаб чиқарила бошланади. Шунга қарамай, конструкторлар коллективи ана шу агрегатларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш устида катта ишлар олиб бормоқдалар.



«Зангори кема»лар — республика пахта далаларида. М. Нуриддинов фотоси.

ЗАВОД ФИЛИАЛИ ҚУРИЛЯПТИ

ТОШКЕНТ ДАГИ экскаватор заводида тайёрланаётган экскаваторлар ирригация қурилишларида қурувчиларнинг оғирини енгил қиляпти. Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети завод қувватини ошириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Тошкент областининг Зангиота посёлкасида экскаваторларга узеллар ва деталлар тайёрлайдиган завод филиали қурилияпти.



«Узбексельмаш» заводининг тайёр махсулотларни топшириш майдонида янги тўрт қаторли трактор сеялкаларини қабул қилиш.

АРЗОН ВА ТАКОМИЛЛАШГАН

«Узбексельмаш» заводи «УПХ-1,5В» кўрак чувиш машинасининг дастлабки учтасини давлат синовига юборди. Бу машиналар Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркманистонда синовдан ўтмоқда. Янги машина ҳозир заводда тайёрланаётган «УПХ-1,5Б» машинага нисбатан бирмунча арзон, механизмлари такомиллашган, ғилдираклари резинадан қилинган бўлиб, фойдаланишда қулай ва иш унуми ҳам ортиқдир.



УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

СОФ ҲАВО–ДАВО

Дори - дармон истеъмол этганингдан, соф ҳавода бўлганинг маъқул.

Араб мақоли.

Қадим замонларда ҳакимлар беморларга соф ҳавода бўлишни такрор-такрор буюрардилар. Абу Али ибн Сино, ҳаво тоза бўлса, киши узоқ умр кўради, деган. Дарҳақиқат соф ҳаво-тоза ва тиниқ сувдек ёт нарсалардан холи бўлади, ўпкаларга майин сингади. Р. Роллан таъбири билан айтсак, соғлом бўлишни истаган киши ана шундай соф ҳавода бўлиши керак. Ана шу нуқтаи назардан ота-боболаримизнинг очиқ ва соф ҳавода бўлишлари бежиз эмас экан. Улар қиш кунлари ҳам айвонда ётиб-турардилар.

Тоза ва совуқ ҳаво жисмонан энчироқ бўлади, нафас олиш равон ва чуқур кўчади, ўпкаларнинг барча қисмига етиб боради, кислород таъминоти яхшиланади, юрак уриши ва қон ҳаракати маромида бўлади, ичаклар фаолияти ошади, бинобарин киши тинч ва давомли уйқуга кетади, эртаси куни енгил ўрнидан туради.

Соф ва совуқ ҳаво организм учун фойдали экан, унинг уй шароитида қандай яратиш мумкин? Европа типидаги уйлар печка ёқилиши билан исиб кетади. Ҳаво кенгаяди, қурийди. Баъзи газлар миқдори ошади, майда заррачалар қўтарилади. Исиган ва чанг-ли ҳаво бурун бўшлиғига равон кирмайди. Нафас олиш ҳийла қийинлашади. Бунинг устига, бурун бўшлиғи ва томоқдан табиий намлик қочади, қурийди, уйқу нотинч бўлади. Бу ҳол бир кун эмас, ойлаб давом этади. Натижада киши қишдан ҳолсизланиб чиқади, баҳорда эса тез илиги узилади.

Кекса ва гўдаклари бор бекик уйларда ҳарорат 16—18 даража бўлса бас. Баъзи ўргангаи кишилар уй ҳароратини бундай яратиш мумкин? Европа типидаги уйлар печка ёқилиши билан исиб кетади. Ҳаво кенгаяди, қурийди. Баъзи газлар миқдори ошади, майда заррачалар қўтарилади. Исиган ва чанг-ли ҳаво бурун бўшлигига равон кирмайди. Нафас олиш ҳийла қийинлашади. Бунинг устига, бурун бўшлиги ва томоқдан табиий намлик қочади, қурийди, уйқу нотинч бўлади. Бу ҳол бир кун эмас, ойлаб давом этади. Натижада киши қишдан ҳолсизланиб чиқади, баҳорда эса тез илиги узилади.

Кекса ва гўдаклари бор бекик уйларда ҳарорат 16—18 даража бўлса бас. Баъзи ўргангаи кишилар уй ҳароратини бундай яратиш мумкин? Европа типидаги уйлар печка ёқилиши билан исиб кетади. Ҳаво кенгаяди, қурийди. Баъзи газлар миқдори ошади, майда заррачалар қўтарилади. Исиган ва чанг-ли ҳаво бурун бўшлигига равон кирмайди. Нафас олиш ҳийла қийинлашади. Бунинг устига, бурун бўшлиги ва томоқдан табиий намлик қочади, қурийди, уйқу нотинч бўлади. Бу ҳол бир кун эмас, ойлаб давом этади. Натижада киши қишдан ҳолсизланиб чиқади, баҳорда эса тез илиги узилади.

Аслида, ота-боболаримиз сингари, қиш кунлари айвон ва балконларда ётиб туришга ўрганишимиз керак. Табиат манзаралари, чунончи, қор ёки ёмғир ёғиши, дарахтлар саломи рухан роҳат беради, мароқли бўлади. Балкон ва айвонларда ўтирганда оёқлар иссиқда бўлса бас. Эрта наҳорда эса ҳаракат ва иссиқ нонушта қилинади.

Соф ва совуқ ҳавога ўрганиш учун балкон ва айвонларда ўтириш, ухлаш куз фаслидан бошланади. Олим Жорди тили билан айтсак, бадан тоза бўлса, иссиқ-совуққа ўрганиб борилса ҳеч ким шамолламайди, тумов ҳам бўлмайди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.

ХОНАНИ ЁРИТИШ

Соғлиқ учун хоналарнинг яхши ёритилиши ҳам зарур. Агар уйга қуёш нури тушса, одамнинг асаби яхшиланади, иш қобилияти ошади. Қуёш нури ҳар хил касалликларни келтириб чиқарувчи микробларни ўлдиради. Қуёш нури кам тушса, болаларда рахит деб аталувчи касаллик келиб чиқиши мумкин.

Қуёш нури хонага бутун кун бўйи тушиб турса, жуда ҳам яхши. Куз тушганга қадар деразаларни кўпроқ очиб қўйиш керак, чунки, ҳаво одам соғлиғи учун жуда ҳам зарурдир. Қишда эса форточкаларни очиб қўйишни унутманг.

Дераза ойналари тоза артилган бўлиши керак, тоза дераза ойнаси қуёш нурини кўп ўтказади. Қишда ойналар хираланиб қолмаслиги учун қиш-қи ёки ёғоч кўмирини ойналар орасига стаканга ёки бирор идишга солиб қўйинг.

Уйни кечаси электр нури билан ёритиш ҳам нормал бўлиши керак. 15 квадрат метрли хонага 150-200 вольтли лампочка қўйиш кифоя. Болангиз дарс тайёрлаётганида 50 вольтли стол лампасини чап тарафга ярим метр масофага қўйилса, жуда ҳам яхши бўлади.

А. АБДУСАЛОМОВ,
Тошкент шаҳар санитария - маорифий уйининг врачи.

Ошхонангиз озода бўлсин

Уй ошхонаси озода ва саранжом-сариштa бўлса, оила аъзоларининг сиҳат-саломатлиги шунча яхши бўлади.

Ошхонани ҳар куни шамоллатиб туриш, намлаб супириш, полларни вақтида ювиш, чангларни артиб туриш билан бирга, ҳар ойда бир марта бутунлай бўшатиб, тозаланиши керак.

Турли хил маҳсулотлар (сабзавот, гўшт, балиқ)ни майдалаш учун алоҳида столлар ва тахталар бўлиши ва иш тамом бўлгандан сўнг улар тозаланиб иссиқ сув билан ювилиши лозим.

Умумий овқатланиш жойларида ёмахонадаги идиш-товоқларни учта уялн ваннада, ошхонадагиларни эса махсус ажратилган хоналарда, алоҳида икки уялн ваннада ювиш керак.

Овқат қолдиқлари ва чиқиндилар солинадиган челак ва идишларни ёпиқ ҳолда сақлаш, жуда тўлиб кетмасдан бўшатиб туриш ва ҳар куни иш тамом бўлиши биланоқ тозалзш ҳамда ювиш керак.

Озиқ-овқатдан бошқа маҳсулотларни, сифатсиз ёки ёмон деб шубҳа қилинган маҳсулотларни, сифати яхши бўлган аммо бошқа маҳсулотларнинг ҳидини, таъмини бузадиган маҳсулотларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга сақлаш мумкин эмас.

Тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш учун холодильник ва музхоналар бўлиши керак. Шунингдек тез бузиладиган маҳсулотларни ишлатиб юбориш муддатига қатъий риоя қилинг.

Ҳар бир оилада овқат пиширувчи ва жамоат ошхона ходимларининг шахсий гигиена қоидаларига амал қилишлари зарур. Қўлларни доим тоза тутиш, иш бошлашдан олдин ва хом маҳсулотларни тайёрлагандан кейин қўлларни совунлаб ювиш шарт. Ошхонада умивальник, совун, сочиқ, хлорли оҳакнинг 0,2 процентли эритмаси бўлиши лозим.

Ошхоналарда пашшанинг бўлишига сира йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ошхона деразаларига ва эшикларига сим тўр ёки дока тутиш зарур. Озиқ-овқат маҳсулотларига пашша тегмаслиги учун устига дока ёки тоза нарса ёпиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида айтиб ўтилган қоидаларга пухта амал қилингандагина оила аъзоларининг сифатли овқат билан таъминлаш мумкин бўлади ва ичак касалликлари ҳамда овқатдан заҳарланишнинг олди олинади.

Н. ШАЙХОВА.
врач.

● Врач маслаҳати

ГРЕЛКАЛАР

Ҳаётда кўпинча резина грелкалардан фойдаланилади. Узоқ муддат грелкалардан фойдаланган одамларнинг ҳатто териси қораяди. Агар грелкани қўйишдан олдин терига вазелин суркалса, бундай аҳвол юз бермайди.

Баъзида нам иссиқлик таъсирини кучайтириш учун грелкани компрессор устига қўйилади. Албатта иссиқлик қонинг терига томон келиш ҳаракатини кучайтиради, шамоллаш процессининг тарқалишига, оғриқнинг босилишига имкон яратади.

Лекин иссиқлик тўқималарни кенгайтиргани учун у қон кетишни кучайтириши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан яллиғланган ошқозон ва ичак касалликлари туфайли қон кетиш вақтида грелкани қўйиш мумкин эмас. Қорин бўшлиғида бирор оғриқ турган вақтда ҳам грелкадан фойдаланиш ман қилинади.



Шаҳримиздаги 1-поликлиника шифокорлар коллективи меҳнаткашларга намунали медицина хизмати кўрсатмоқда.

СУРАТДА: поликлиниканинг ишчан участка врачларидан Я. Калантаров (чапдан учинчи) бир группа касбдошлари билан беморнинг касаллик тарихини ўрганаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТАМАКИ – УМР ЗАВОЛИ

Италия Соғлиқни сақлаш министрлигининг расмий ҳисоботида эълон қилинишича, тамаки инсон умрини ўрта ҳисобда олти йилга қисқартирар экан. Ҳозир министрликдагилар врачлар, аптекачилар, радио ҳамда телевидение ходимларини, маориф министрлиги ва транспортчиларни чекишга қарши курашга жалб этмоқда.

Врачлар беморни кўриш ва қабул қилиш вақтида, ўқитувчилар эса ўқувчилар олдида чекмасликлари уқтириляпти. Аниқланишича, чекмайдиган одам ҳам тамаки тутуни аралашган ҳаводан нафас олган тақдирда унинг соғлигига албатта путур етар экан. Айни вақтда, Италия поездларида «чекмайдиган йўловчилар учун» вагонлар сони кўпайтирилмоқда. Таркибида никотин ва смоласи камроқ тамаки тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда.

Мамлакатда тамаки маҳсулотларига доир эълон ва рекламалар анчадан бери тақиқлаб қўйилган.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУРУВЧИЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

БЕРЛИН. (АПН махсус мухбири). ГДР меҳнаткашлари республиканинг учинчи ўн йиллиги бошланишида Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Берлиндаги Ленин номли майдон қурувчиларн умумхалқ мусобақасининг ташаббускори бўлдилар. Улар 1970 йил 22 апрелгача кўп қаватли бинолар комплексини фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

Берлинлик қурувчилар ташаббуси республиканинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам қўллаб-қувватланди. Марцан қишлоғидаги В. И. Ленин номли кооператив аъзолари (Югерборг райони) ўзларининг умумий мажлисларида «Юқорн ҳосил, хўжаликни рационал бошқариш», «Биз Ленининн шарафлаймиз», «Янада юқорн меҳнат унумдорлиги учун!» шиорлари остида мусобақага қўшилишга қарор қилдилар. Галлакорлар ҳосилдорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бошқа кооператив хўжаликлар билан алоқани мустаҳкамлаш, маданият ва маорифни ривожлантириш бўйича аниқ мажбуриятлар олдилар.

Мусобақада республиканинг ёш авлоди ҳам актив иштирок этяпти. Эркин немис ёшлари Иттифоқи Марказий Совети ҳамма йиғилтлар ва қизларга «Ленинча чақириқ» билан мурожаат қилдилар. Бунда асосан ватанни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, марксизм - ленинизмни, Ленин асарларини, Халқаро коммунистик ва ишчи партиялар Москва Кенгаши ҳужжатларини ўрганиш, немис ва халқаро ишчилар ҳаракатининг революцион анъаналарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, Октябрь мамлакати билан дўстликни мустаҳкамлаш вазифалари олдинга сурилади. Чақириқ Иттифоқнинг бошланғич ташкилотларида қўллаб-қувватланди.

Е. ДЕНИСОВ.

ҲАҚИҚАТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

ДОРУССАЛОМ. (АПН). Яқинда Жанубий Африка Республикасида Иоганнесбург газетаси «Ранд дейли мейл»нинг собиқ бош редактори Лоренс Гэндар устидан суд процесси бўлиб ўтди.

Жанубий африкаликлар журналистнинг айби нима? Ахир у Прогрессив партия раҳбарларининг фикрини ифода этгувчи буржуа газетасига, ҳукумат томонидан расмий равишда ижозат берилган матбуот органига раҳбарлик қилар эди-ку. Бу партия оппозицион партия деб ҳисобланса ҳам, амалда апартенд сиёсатига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмайди.

Гэндар «Ранд дейли мейл» газетасида бир неча йиллардан бери ишлар ва маҳаллий аҳолининг ҳаёт шароити нақадар пастлиги ҳақида жуда кўп материаллар босган эди. Фақат бу мақолаларда у ана шу проблеманинг сабабини апартенд сиёсатидан эмас балки «умуминсоният плани» нуқтаи назаридан таҳлил қилар эди.

Аммо 1965 йилда у ҳукумат раҳбарларининг ғумонига учраб қолди. Бунга журналист Б. Польтрундинг газетада босиб чиқарилган репортажлар сериясн сабаб бўлди. Бу мақолалар қамоқдаги махбусларга нисбатан қандай ваҳший чоралар кўрилаётганини бирмунча ойдинлаштириб қўйди. Гэндар бош мақолада жавобгарлар устидан суд тергови бошлаб юборишни талаб қилган эди. Тергов бошланди. фақат ...унинг ўзига қарши.

Журналистни таъқиб этиш ва таҳқирлаш компанияси тўрт йил давом этди ва яқинда суд процесси билан тугади. Гэндар бир неча йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу жазодан у йирик пул жаримасини тўлаб қутилиш мумкин. Ирқчилар мамлакатида ҳақиқат сўзлари учун ана шундай: йиллаб қамоқ жазоси ёки жарангдор олтинлар билан ҳақ тўлашга тўғри келади.

Ленин кунлари


СОФИЯ. (АПН мухбири). Бу ташаббус бундан бир неча ҳафта олдин бошланди. У «Ики юз Ленин куни» деб аталади. Бу ғояни Болгария Компартияси шаҳар комитети ўртага ташлади. У В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик доирасида шу йилнинг 1 октябридан келаси йилнинг 22 апрелигача бўлган кунларни Ленин „кунлари деб эълон қилди. Софиялик коммунистларнинг ташаббуси бутун мамлакатда қўллаб-қувватланиб, чинакам халқ ҳаракатига айланиб кетди.

Пойтахтдаги Георгий Кирков номидаги корхона ишчилари ҳар куни эрталаб завод радиоузели дикторининг овозини эшитадилар. У ҳар куни «Ленин бизнинг ҳаётимизда» сериясида эшиттириш берилишини айтади. Ишчилар айни вақтда юбилейга бошланган мусобақада ўз участкалари ёки сменалари нечанчи ўринда бораётганини билиб оладилар. Цех ва бригада коллективларн «Муваффақиятлар альбомига тушиш ҳуқуқини олиш учун курашадилар. Бу альбом Ильич юбилейини байрам қилгани мамлакатга келадиган Совет делегациясига тақдим қилинади. Завод парткоми планида ленинизм ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ёш ишчиларнинг Ленин ордени билан мукофотланган ҳамюртлари билан учрашувлари кўзда тутилган.

Вилчо Иванов номидаги София тўқимачилик фабрикасидаги кўпгина ишчилар ва мутахассисларнинг кўкрагида «В. И. Ленин, 1870-1970 йиллар» сўзлари ёзилган лентачани кўриш мумкин. Бундай лентачалар билан ҳар куни энг илғор кишилар мукофотланадилар. Бу лентачалардан ҳаммадан кўп олган киши «Икки юз Ленин куни» мусобақасининг ғолиби ҳисобланади.

Ленин кунлари хроникаси кундан-кунга бойиб боряпти.

БОГОМИЛ ЯНКОВ,
болгар журналисти.



ЯПОНИЯ. Осака шаҳридаги «Экспо-70» халқаро кўргазмасида совет павильонининг қурилиш поёнига етай деб қолди. Бу ноёб иншоотнинг шакли дастагининг учига ўроқ ва болға ўрнатилган ва шамолда ҳилпираб турган байроқни эслатади.

СУРАТДА: «Экспо-70» кўргазмаси қурилишида. Чапда — совет павильони.

ЯПС—АПН фотоси.

ГЭС ХОЛЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл президент Никсоннинг Вьетнам проблемаси тўғрисида сўзлаган нутқини қатъий равишда қоралади. Г. Холл урушга қарши Лос-Анжелесда уюштирилган митингда сўзлаган нутқида: президентнинг бу нутқи «Америкаиинг агрессия сиёсатини қўллаб-қувватлашга сафсатабозлик билан қилинган даъватдан бошқа нарса эмас», деб айтди.

Аслида Никсон Қўшма Штатлар ўз қўшинларини Вьетнам халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун олиб бораётган курашидан воз кечаборган сари олиб чиқиб кетади, деб айтди. Моҳият эътиборн билан бу гап агрессия олдида сўзсиз таслим бўлишни талаб қилишни билдиради, деб таъкидлади Г. Холл. (ТАСС).

МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯ

ҚОҲИРА. МЕН агентлигининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг махсус бўлинмаси Исроил оккупация қилиб олган Синай ярим оролида муваффақиятли ҳарбий операция ўтказди. Бу бўлинма Суэайш каналининг шимолий секторига каналдан сузиб ўтиб, ал-Қантара шаҳари атрофида Исроил армиясининг бронетанк қисмига ҳужум қилди. Душманнинг икита танки ва ҳарбий автомашинаси мажақлаб ташланди. Душман томонидан бир неча киши ўлдн.

АГАР ИШ БЎЛМАСА...

Ҳозир Буюк Британиядаги ишсизлик ҳақидаги рақамлар кейинги 29 йилдаги энг юқорн кўрсаткичдан ҳам ошиб кетди. Ишсизлар сони фожиали равишда ошиб боряпти ва ҳозир 568 минг кишига етди. Бу айниқса катта шаҳарларда сезилмоқда. Саноатнинг кўпгина тармоқларида ишчилар сони тобора қисқаряпти.

Жума куни иш топиш бахтига муяссар бўлган киши душанба куни ишдан бўшатилмасмиканман деб қўрқади. Жумладан, «Женерал электрик» компанияси худди шундай қилиб, 5 минг механикашни ишдан бўшатди. Кўпинча жуда малакали ишчилар ўзларининг маҳорати ва билимлари мутлақо зарур бўлмаган меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Шундай қилишмаса улар ҳам корхона дарвозаси ташқарисига чиқариб ташланадилар.

Ишсиз кишилар ўз аҳволлари ҳақида турлича гапирадилар. Лекин улар мана бу гапни яқдиллик билан таъкидлайдилар: «Мен қўшниларимнинг кўзига қарагани ўзлаган». Менга бир ишчининг хотини бундай деди: «Ишсиз қолган эркаклар ўзига ва келажакка бўлган ишончни йўқотади. Бунга ишончсизлик ҳосил қилиш учун ишсизлик учун бериладиган ёрдамни олгани навбат кутиб турганларнинг афтига қараш кифоя».

Беатрис ХАММЕРЛИНГ,
инглиз журналисти.
(АПН).

30 МИЛЛИОН ЖУФТ ПОЙАФЗАЛ

ПРАГА. (АПН — Прагопресс). Келаси йилда Чехословакия Совет Иттифоқига ўттиз миллион жуфт пойафзал етказиб беради. Бу республиканинг пойафзал корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг тўртдан бир қисмига баравардир. Экспорт қилинадиган буюмлар — булар эса хилма-хил туфли, ботинка, янги фасон ва моделдаги этиклардир — тўртта йирик корхонада — Готвальд шаҳридаги «Свит» комбинатида, Партизанск шаҳридаги 29 август номидаги фабрикада, Тржебичадаги Густав Клемент номидаги ва Скутечадаги «Ботана» фабрикаларида ишлаб чиқарилади.

ВРАЧ СУДЗУКИ ИШИ

Бу иш бундан уч йилдан илгарироқ бошланган эди. Япониянинг Тиба шаҳридаги университет қошидаги клиника касалхонасига доимий қатновчи касаллардан бир нечаси тўсатдан бошланадиган мадорсизлик, кўнгил айниш ва бош айланиш ҳолларидан шикоят қилиб келишди. Уларнинг ҳаммаси 33 яшар врач Судзуки томонидан даволанганликларни аниқланди. У касални эмлаган ва укол қилган экан. Дори кўйилган найчаларни текшириб кўргач ҳайратда қолишди. Бу врачнинг касаллардан тажриба остидаги жониворлар қаторида фойдаланганлигини маълум бўлди. У касалхонага даволаниш учун келган уч юздан кўпроқ киши устида тажриба ўтказибди. Ўлим ҳодисаларининг бўлмаганлигини тасодифий бир ҳол деб тушунтириш мумкин эди. Жумладан, бир касал келиб қаттиқ йўталаётганидан шикоят қилади дейлик. Судзуки уни эътибор билан кўздан кечиради ва таблеткалар ёзиб беради, шу билан бир қаторда ўз фикрича иш кўриб совуққонлик билан шприц ёрдамида унга... ё терлама бактериялари бўлган ёки юракбуруғи касаллигига гирифтор қиладиган таёқчасимон микроблари бўлган эритма ва вакциналар эмлайди. Беморнинг йўталн тутайди, аммо унинг касаллик тарихи врач ёнига мажбуран келган сари кенгая боради.

Ёш врачнинг ҳақ тўланадиган иш олиш учун «тезроқ шуҳрат қозонишни жуда истаганлиги уни шундай ваҳшийларча ҳаракат қилишга мажбур этди» деб тушунтирди Японня матбуоти бу воқеани.

Японияда жуда табақалаб, ҳамённинг оғирлигига қараб даволайдилар. Бадавлат киши бир ўзи уч хонали палатада ётади, унга қаровчи аёллар ва ҳамширалар хизмат қилади, ундан бир даража пастроқ бўлган бемор айрим палатада ётадию. аммо қараб турувчилари бўлмайди, оддий кишилар эса тор хоналарда 10-20 кишидан бўлиб ётишади.

Мисол учун Токиодаги «Дзюнтэдо» деб аталган касалхонада (медицина институтининг оддий клиникаси) шаҳсий кўшклар бор. Бунда ётиш учун кунига 25 минг иен тўлаш керак. (Бу медицина ҳамширасининг ойлик маошига тенг). Бу кўшкда дахлсиз, қарашиб турувчи аёллар хонаси, бемор палатаси, взннахона, телевизор, телефон, гуллар ва бошқалар бор. Аммо 25 минг иен ижара ҳақи холос. Қолганлари учун қўшимча ҳақ олинади. Жумладан ҳамшира укол қилдими тўла, яранн боғлашдими — яна тўла...

Шу сабабли Японияда касаллик фақат бойларгина ўзига раво кўрадиган дабдаба деб бежиз ҳазил қилишмайди.

Клиника давлатдан ҳар бир бемор учун кунига 700 иен пул олади. Бунга санкиз қути сигарет олиш мумкин, холос. Овқат, ўрин ва хизмат қилишнинг ҳаммаси шу пулдан. Агар беморнинг кунлик ҳаражатлари етти юз иендан ошиб кетса у ўз чўнтагидан тўлаши керак.

Япония институтлари ва университетлари қошидаги клиника ва касалхоналарда мураккаб иерархия зинапояси ҳукм суради. Чўққида — профессор, сўнгра профессор ассистентлари, улардан кейин лекторлар, ассистентлар, ассистент ёрдамчилари ва ниҳоят текширувчилар туришади. Бу даража табелида ассистентдан юқорн вазифада ишлаётган кишиларгина мустақкам маош даъво қилишга ҳақли. Текширувчилар ва ассистент ёрдамчиларига келган да, уларнинг меҳнатига ҳеч қандай ҳақ тўланмайди. Шу нарсани назарда тутиш керакки, юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларда фақат дипломли врачларгина ишламоқда.

Врач Судзуки 1960 йилда хусусий медицина институтини тамомлайди ва врач дипломини олгандан кейин Тиба шаҳридаги университет қошидаги клиника касалхонасига штатсиз текширувчи вазифасига қабул этилади. У ҳафтасига беш кечз тунда тасодифий вазифаларда ишлаб пул топади, кундузлари эса касалхонада зўр берибишлайди. Маошсиз текширувчи сифатида узоқ давом этган истиқболсиз иш уни мутаасибга айлантиради. У ишончсизҳаволдан тезроқ қутилишни ва турмушда ўз ўрнини эгаллашни истайди.

Бу аҳвол олти йил давом этади. Штатга ўтказилиш ва демак маош ол

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР

«ДАҲШАТЛИ» КАЛАХАРИ ОДАМЛАРИ

Ўқ дарахт танасига санчилган. «Сизлар ҳайвонларни отасизлар, — деган у эркакларга. — Ўқ теккан ҳайвон ўлади, унинг гўштини ейсизлар. Овчилик эркакларнинг иши». Шу тариқа кунг кишилари овчи бўлган.

Сўнгра Улуғ Арвоҳ аёллар нима қилиши кераклигини ўргатган.

Уларга меваларни, ҳашаротларни тўплашни, улардан бўтқа пиширишни ва сув қидиришни ўргатган.

Ниҳоят Улуғ Арвоҳ кунг кишиларини яшашга ўргатган. «Агар овчи кийикни отса, уни бир ўзи емасин, ҳаммани чақириб, гўштни тенг бўлиб берсин. Ана ўшанда келгуси сафар овчи кийик тополмаса ёки касал бўлиб қолса, бошқа кишилар унга ўз улушини берадилар, у очдан ўлмайди. Агар аёл киши саҳрода мевалар бутани кўриб қолса, уни яширмасин, ҳаммани мевадан ейишга чақирсин. Чунки одам бир-бирига ёрдам берса, саҳрода яшаш осонроқ бўлади, ов қилиш ва сув топиш енгиллашади. Кунглар, буни эсдан чиқармангизлар, овқат талашиб бабуинлар каби урушмангизлар. Ана ўшанда ҳақийқий одам бўласиз. Ана ўшанда бахтиёр бўласиз». Улуғ Арвоҳ шундай деди-ю, осмонга учиб кетди.

Цзинчхана янги эртакни бошламоқчи бўлган эди мен уни тўхтатдим:

— Кеч бўлиб қолди, Цзинчхана, йўлимиз эса олис.

— Агар меҳмон яна бироз турса, унга биз ўз рақсларимизни кўрсатамиз. Чол бизнинг жавобимизни кутмаёқ, болаларни ёнига чақирди ва уларга нималардир деди:

Гулханга хашак ташлашди, уч йигит олов яқинига дўмбиралар келтириб, кишиларни майдонга таклиф қилувчи куйни чала бошладилар. Аёллар уй ишларини бир четга қўйиб, болаларини орқаларидаги мешларга ўтказиб, майдонга келишди, фақат рақсга тайёргарлик кўраётган эркакларгина кеч қолишди.

Бирданига дўмбиралар овози тинди, саҳро узра чўзиқ ёқимли оҳанг таралди. Бу куй гауэингке деб аталадиган қамонни эслатувчи кичик музика асбобидан тараларди. Оломон четга сурилди. Гулхан олдидаги даврага уч овчи чиқди. Улар оҳиста, енгил қадам қўйиб, камонларини ушлаганча гулхан атрофида писиб айланиб юришарди. Томошабинлар гўё овчиларга ҳалақит беришни истамагандек жим бўлиб қолишди. Фақат овчиларнинг яланғоч танасига нур сочиб турган гулхангина чирсиллаб ёнарди. «Бу овчилар ва туяқуш рақси», — деди қулоғимга Дзадцно.

Сўнг рўпарадан туяқуш териси ва патларини тақиб ясанган уч бушмен даврага кириб келди. Уларнинг ҳаракати қушларнинг ҳаракатига шунчалик ўхшаш эдики, бенихтиёр этларим жимирлашиб кетди. «Биз баъзан туяқушларни шундай овлаймиз, — деб шивирлади Дзадцно. Овчи туяқуш терисини кийиб олиб, туяқуш подаси ичига киради. Ниҳоят қушни танлаб ўлдиради».

Раққослар туяқуш ҳўрозлари каби парларини ёзиб ва сакраб овчиларга эътибор бермай ўз ўйинларини давом эттиришди. Овчилар эса қушларнинг бошқа томонига ўтиб олиб туяқушлар ўз рақслари билан овора бўлиб турган бир пайтда уларга заҳарли ўқларини отишди. Икки қуш ерга қуларди. Учинчи қуш бақирганча гулхан устидан сакраб ўтиб гойиб бўлди.

Шу вақтга қадар жим турган томошабинлар ҳам энди овчига айланишди. Аёллар қум устида ётган «қушлар» олдига бориб, уларни гўё тозалай бошладилар. Ёшроқ қизлар эса «гўшт», «гўшт» деб бақирганча овчилар олдига боришди ва яхши ов учун уларга миннатдорчилик билдиришди. Сўнгра озиқ-овқат тайёрлаш ва зиёфат манзаралари тасвирланди. Аслида бу ерда ҳар бир киши ўз ролини ижро этарди. Чунки ҳар бир ҳаракат ва роль кундалик ҳаётдан олинган эди.

Дўмбиралар садоси тобора тезлашарди, ловуллаб турган гулхан атрофида эркаклар чанг кўтариб тобора тезроқ айланишарди. Аввал аёллар қарсак чалиб рақсга жўр бўлиб туришди. Сўнгра бир-бирларининг қўлларини ушлаганча давра қуриб, рақс туша бошладилар. Баъзан уларнинг орасидан бирортаси давра ўртасига чиқиб, якка рақс тушар, ва яна дугоналари олдига қайтарди. Кўпчилик аёллар қўл ва оёқларига қўнғироқ осиб олган эди. Бу қўнғироқлар қовоқдан ясалган бўлиб, ичига уруғ ёки тош солинган. Аёллар рақс тушаётганда қўнғироқлар уларнинг ҳаракатига ҳамоҳанг бўлиб овоз чиқаради. Рақс тобора авжига чиқарди.

... Калахари бушменлари ҳузурида бир кунгина бўлдим. Лекин бу жасур ва меҳнатсевар халққа ҳурмат туйғулари уйғониши учун шу вақт ҳам етарли эди. «Калахарини севмасанг, бу ерга бир марта келгач, яна бир бор келишни истамасанг, сен одам эмассан». — дейилади бушменлар маталида. Мен саҳрони ва саҳродаги жасур бушмен овчиларини севиб қолдим. Таниш бушменлар билан яна учрашарман. Цзинчхананинг эртакларини яна тингларман. Дзадцно билан биргаликда ов қиларман, гулхан ёнида ўтириб Калхариннинг ойдин тунида ажойиб рақсни яна бир бор томоша қиларман деган орзу билан орқага қайтдим.

С. КУЛИК.
(«Азия и Африка сегодня» журналидан)



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

СУРАТДА: Омск шаҳридаги Омск драма театри.

Р. Абдураҳмонов фотоси.

ДИЁРИМИЗ БОЙЛИКЛАРИ

РАНГЛИ ПАХТАЛАР

Ўзбек халқининг кўнглидай оқ пахтасини бутун жаҳон «оқ олтин» деб қадрлайди. Лекин, пахта фақат оқ бўладими, деган савол туғилиши мумкин. Хўш, бу ўринли саволга қандай жавоб бериш керак?

Аввало шуни айтиш керакки, ҳозир мамлакатимизнинг пахта экувчи қардош республикаларида ва Ўзбекистоннинг 1500 минг гектар ерига «108-Ф» навли пахта экилмоқда. 22 йилдан бери шу нав хом ашё инсонлар хизматида. Ҳатто, халқ демократик республикаси давлатларининг пайкалларида ҳам шу навдан экилиб, улкан пахта хирмонлари бунёд этиляпти.

«108-Ф» навли пахта экаётган Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм областлари, шунингдек, Қашқадарё областининг бир қисми, Қорақалпоғистон АССРнинг жанубий районларида ва Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларда ҳар гектар ердан 30-35 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда.

Ингичка толали, яъни ипак пахта Бухоро область пахта далаларининг деярли ярмига экилмоқда. Ипак пахтанинг 2 тури Сурхондарё областининг Термиз, Шеробод, Жарқўрғон, Қашқадарё областининг Қаршн, Косон районларида экилмоқда.

Шуни айтиш керакки, ипак пахта фақат иссиқ агроклиматик шароитда ўсиб ривожланади, яхши ҳосил ҳам беради.

Иккинчи жаҳон урушидан илгари ҳар хил рангли пахта навлари яратиш кўпгина селекцион илмий лабораториялар олдига асосий мақсад қилиб қўйилган эди. Узун толали ва ипак пахтадан ташқари ялтироқ-жигарранг, жигарранг, тўқ жигарранг, қизил жигарранг, сариғиш-қизил, кўк, ҳаворанг, жун толали навлар яратилган. Бу соҳада кўп йиллар селекционер олим Б. П. Страумал илмий ишлар олиб борди.

Биз юқорида санаб ўтган рангли пахталар районлаштирилган узун толали «108-Ф» ва ингичка толали «5904-И» навли пахталарга нисбатан кам ҳосил бериши сабабли ҳозир бизда экилмайди. Рангли пахталар фақатгина илмий-текшириш институтлари, станцияларда, лабораторияларда илмий кузатиш ишлари олиб бориш учун дастлабки материал сифатида фойдаланилади.

Умуман, пахта халқ хўжалиги тараққиётида муҳим ўрин тутади. Биз қуйида пахтадан олинадиган жуда кўп хом ашёларнинг фақат бир қисмигина айтиб ўтамиз. Чунончи, сунъий ипак, целлулоид, фотоплёнка, ҳар хил бўёқлар, энг юқори навли қоғозлар; чигитидан глицирин, стеарин, ёғ; баргидан олма ва лимон кислоталари, шу жумладан энг қимматлиси Ватан мудофаси учун аҳамиятга эга бўлган портловчи моддалар тайёрланади. Пахтадан яна кўпгина хўжалик, тўқимачилик ва енгил саноат учун керакли бўлган буюмлар ҳам тайёрланади.

Б. АЗИЗОВ,

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

(Давоми. Боши газетанинг 263, 264-сонларида).

Реклама ва эълонлар Т.О

Радио

12 НОЯБРЬ

ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИЛАРИ СЪЕЗДИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Қишлоқ жамоли» деган эшиттириш (русча). 18.10 А. Том операларидан парчалар. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.00 ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИЛАРИ СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ УЧУН САНЪАТ УСТАЛАРИ ИЖРОСИДА КОНЦЕРТ. Санъат саройидан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбек артистлари ижросида ғарб композиторлари операларидан парчалар. 19.20 Шеърият дафтари. «Меҳнат аҳлига шарафлар» (русча). 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). 21.10 Пахтакорлар учун концерт. 22.20 Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча). 22.40 Шеърият кечаси (Ўзбекча). 23.15 Колхозчилар съезди делегатларининг талабларига мувофиқ концерт.

13 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 8.25 Ўзбек халқ куйлари. 9.30 М. ва Ш. Мирзоевдар ижросида куйлар. 10.10 Духовой оркестр ижросида совет композиторларининг асарлари. 10.30 Топишмоқли концерт (Ўзбекча). 11.15 «Республикамиз машъаллари» деган эшиттириш (Ўзбекча). 11.30 Д. Зокировнинг оркестр куйлари. 13.30 Ёш ижрочилар концерти. 15.15 «Саломатлик — туман бойлик» (Ўзбекча). 16.10 «Композитор Андрей Эшпай» деган эшиттириш (русча). 17.00 «Мардлик — мангулик» деган эшиттириш.

18.00 «НОТ одимлари» деган эшиттириш (Ўзбекча). 18.10 Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси хорининг концерти. 19.20 Татар куйлари. 20.00 «Ишлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 «Буржуазия идеологиясига қарши кураш — халқаро коммунистик ҳаракатнинг вазифаси» деган суҳбат (Ўзбекча). 21.15 Пахтакорлар учун концерт. 22.20 М. Қориев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. 23.15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Ёшлар ижоди (Ўзбекча). 19.30 Композитор Р. Лагидзе қўшиқлари. 20.00 Тожик халқ куйлари. 20.30 Область театрлари артистларининг концерти. 21.00 Жаҳон прогрессив адабиёти. О. Генри. «Муштарак кўнгиллар». «Чиппа-чин». Инсценировка қилинган ҳикоялар (Ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 М. Лермонтов. «Калашников ҳақида қисса» поэмасининг инсценировкаси (Ўзбекча). 15.30 Қадимий куйлар.

17.00 «Эгмонт» деган музикали-адабий эшиттириш.

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

тайёр маҳсулотлар омбори юкчилари ва омборчилари, мороженое фабрикасига хотин-қизлар (маош ишбай асосида), стаканчалар тайёрловчи хотин-қизлар (ишбайга), электр монтёрлар, компрессор цехи машинистлари, қурувчи ишчилар, юкчилар (ишбайга)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Воровский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «Винзавод» бекати). Телефонлар 66-24-05, 66-24-07, 66-24-09, 66-34-64.

Телевизор

12 НОЯБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.10 Болалар учун. «Ажойиботлар оламига саёҳат». 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида. 19.00 Санъат саройидан Ўзбекистон колхозчилари съезди қатнашчиларига бағишланган концерт олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.55 Европа чемпионлари 1/8 финали бўйича футбол. «ДИНАМО» (Киев) — «ФИОРЕНТИНА» (Италия). Ўйин Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ва сўнггида янгиликлар. 24.00 «Правда» ҳар қачонгидек ўз вақтида босмадан чиқади. 01.00 Рангли телевидение программаси. «Қўшиққа саёҳат». 02.00 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Болалар учун, «Циркуль, қалам, доиралар». Кинофильм. 18.15 «Здоровье» Илмий-оммабоп программа. 18.50 Меҳнат ветеранлари куйлайдилар. 19.30 Рассом ва замон (Ўзбек тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Классик куйлардан концерт. 21.00 Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди олдидан. Эфирда «Молодость».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.55 «Йўл». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

Қирғиз тилида: 18.00 Экран — болаларга. 18.10 «Нафосат оламида». 18.30 Вақт, воқеалар, хроника. 18.40 «Олатов» студиясининг кўрсатувлари. 19.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 19.45 Янгиликлар. 19.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 20.00 Москва. Янгиликлар. 20.15 Фрунзе. Экран — болаларга. 20.25 Концерт. 21.00 Илмий-оммабоп фильм. 21.20 Муҳим тема ҳақида баҳс. 21.35 Янгиликлар. 21.50 Кўрсатувлар программаси.

13 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. 18.15 Болалар учун. «Қизғончиқ Қизи». Кинофильм. 18.35 Реклама. 18.45 «Ўлик мавсум». Бадиий фильмнинг биринчи сериси.

Ўзбек тилида: 19.55 Телевизион янгиликлар. 20.10 Ўйларимиз ва куйларимиз. 20.50 Пахта теримн кундалиги. 21.00 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль. Ашхабод телевидениеси — студиямиз меҳмони.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси. 13.00 Янгиликлар. 13.15 Биринчи отлиқ армиянинг 50 йиллигига бағишланган телеочерк. 13.45 Л. Инфельд. «Эварист Галуа». Телеспектакль. 15.20 Москва кўрсатувларининг охири.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ. ДЎСТЛИК ЭКРАНИ

18.00 Янгиликлар. 18.15 Кўҳна ва навқирон. 18.35 «Ан-Моор». Телефильм. 19.35 Совет поэзияси саҳифалари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Адабий театр. Б. Лавренев. «Марина». 21.00 Ўқувчилар учун. «Спорт ёшлиги». Тележурнал. 21.30 Ленинча миллионлар университети. Диалектик материализм. «Дунёнинг моддийлиги ва унинг ривожланиш шакллари». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Рангли телевидение программаси. Хоккей бўйича СССР биринчилиги учун. ЦСКА — «Химик» (Воскресенск) Танаффус вақтида янгиликлар. 00.45 «Осойишта оила», Ю. Милютининг шу номли оперетта-си асосида ишланган музикали телеспектакль премьераси. 02.15 Янгиликлар. Кўрсатувлар программаси. 02.30 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 Оперетта саҳифаларидан. 20.30 «Афгон диёридаги учрашувлар». Ҳужжатли фильм.

Ўзбек тилида: 21.00 Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12|XI Лайли ва Мажнун, 13|XI да Пиковая дама.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|XI да Аяжонларим, 13|XI да Улимдан кучли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12|XI да Икки билагузун, 13|XI да Уғил уйлантириш.

Кино

12 ноябрда

Ҳалонат (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Тог қоясидаги трагедия — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун).

Қонун номидан — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

13 ноябрда

Ҳалонат (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кечсоат 8.45 минутда).

Тог қоясидаги трагедия — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қонун номидан — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жоду муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз соат 1-15 минут, 3, 5, ва кеч 7 да).

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

институтга кирувчиларни имтиҳонларга тайёрлаш бўйича

6 ОЙЛИК КУРСГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, иш ва турар жойларидан справкалар, иккита фотосурат топширадилар.

Ўқиш ҳақи — 25 сўм.

Аризалар — 25 ноябргача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 декабрдан.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 108-уй, 228-хона. Телефон 35-06-51.

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИГА

металл эритиш, рангли металлни қуйиш ва прокатка қилиш бўйича инженер ва техник-металлурглар, эритувчилар, қуювчилар, рангли металлар бўйича вальцовкачилар, кранчилар, оловда тобловчилар, электрчилар, қопловчилар, ўровчилар, вагонларга юкловчилар, завод қурилишлари, кўмир тайёрловчи ишчилар, ёрдамчи ишчилар, токарлар, слесарлар, вагон уловчилар ва вагон тузувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент 41 (4-автобуснинг «Электрокабельная кўчаси» бекати).

1970 йил учун қуйидаги журналларга ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»
«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА»
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»
«ГУЛИСТОН»
«САОДАТ»
«МУШТУМ»
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ»
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
«ЗВЕЗДА ВОСТОКА»
«СОВЕТ МАКТАБИ»
«РУССКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ»

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентликлари, алоқа бўлимлари ва тармоқлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ШУ ПАЙТГАЧА БЎЛГАНИДЕК, КЕЛАСИ ЙИЛДА ҲАМ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ ҲАЁТИНИ КЕНГ ЁРИТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ПОЙТАХТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ ЖЎШҚИН МЕҲНАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ КУЙЛОВЧИ, ШАҲАР ХЎЖАЛИГИДАГИ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ОЧИБ ТАШЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР БЕРИЛАДИ. ГАЗЕТХОНЛАР ФАН, МАДАНИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН МУНТАЗАМ ТАНИШТИРИБ БОРИЛАДИ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА 1970 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ БЎЛИМЛАРИДА ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ОБУНА БАҲОСИ 6 ОЙГА 3 СЎМ, БИР ЙИЛГА 6 СЎМ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА

«МПС—1» машинасида печат қилувчилар, ҳамма ихтисосдаги қурувчилар, электр монтёрлар, электр слесарлар, ускуналар ремонти бўйича ва тунукасоз слесарлар, графиткчилар, газ пайвандчилар, фрезерчилар, шоферлар, автослесарлар, токарлар, холодильник станциялари навбатчилари, кислород қурилмалари аппаратчилари, монтажчилар, йиғувчилар, синовчилар, контролёр, гардеробчилар, лифтёрлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй, кадрлар бўлими (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 18-трамвайлар, 1, 3, 9, 10, 11, 6, 4-троллейбуслар, 1, 2, 3, 25, 58-автобусларнинг «Дизельная» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 12 НОЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўзгалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579. НАШР 2900. Р —03526.